

# Маҳалла

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

2004 йил 30 июнь



Чоршанба

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

- ▶ Фаол бўлинг, аёллар!
- ▶ Нафс исканжасида қолганлар...

3

- ▶ Меҳр ўрнини не босар?
- ▶ Буюк Ипак йўли йўлларида...

4

- ▶ "Тирноқ қадар бўлса ҳам мурувват қил!"
- ▶ Тарихни тилга киритган Асомиддин ака

**Қарши шахри катта тантана арафасида. Келгуси йил юртимиз миқёсида шаҳарнинг 2700 йиллик тўйи кенг нишонланади.**

Тўю тантана маҳалладан бошланади. Шу боис ҳам вилоятда маҳаллаларни ҳар жиҳатдан тартибга келтириш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш борасида кизгин иш бормоқда.

### ҲОКИМЛАР МАҲАЛЛА АҲЛИГА ҲИСОБ БЕРСА...

Вилоят ҳокими шаҳар ва туманлар ҳокимлари шундай қилиши зарурлигини уқтириб ўтди

Шу билан бирга шу борада йиғилишларда вилоят ҳокими Н.Зайниев қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти анча оқибат эканлигини таъкидлаб, туманлар ҳокимлари қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказиладиган ҳисобот йиғилишларида қатнашишлари, ўз ҳудудларида аҳолининг муаммо ва ташвишлари билан ақидан танишиб, бир томонлама ёрдам кўрсатишлари, қилинаётган ишлар ҳақида аҳолига ўз вақтида ҳисобот беришлари шарт эканлигини алоҳида уқтирди.

Ўз навбатида қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуналири ўрганиш соҳасидаги аниқ вазифалар ҳам белгилаб олинди.

**Э.ҚУРБОНОВ.**  
Қашқадарь вилояти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ 3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, республика вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш зорасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонун, Аёллар йили муносабати билан Хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурлишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил хотин-қизлар кўмиталари, жамоат ташкилотлари, давлат тузилмаларининг хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада, ижтимоий ҳаёт ва давлат қурлишидаги ролини ошириш ишида жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Марказда ва жойларда хотин-қизлар кўмиталарига кўпинча асосан бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилмаган ва ўз фаолиятида маъмурий усуллардан фойдаланмаган давлат тузилмалари сифатида қаралмоқда.

Хотин-қизлар кўмиталарининг турли раҳбарлик лавозимларида сайланган аксарият фуқаролар бошланғич хотин-қизлар жамоаларидан ажралиб қолган, улар ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакиллари эмас, балки давлат хизматчилари деб ҳисоблайди.

Натижада хотин-қизларнинг ҳақиқий аҳоли, уларнинг муаммолари ва манфаатлари эътиборидан четда қолмоқда. Хотин-қизлар ҳаракати,

ижтимоий ривожланиш, кўйидан бўладиган ташаббусни рағбатлантиришнинг муайян масалалари бўйича хотин-қизларнинг реал манфаатлари ва муаммоларини, уларнинг фикр ва тақлифларини аниқлашнинг самарали воситаси ҳисобланган қурултой ва конференциялар каби хотин-қизлар билан иш олиб боришнинг демократик шакллари амалда ишга солинмапти.

Мазкур кўмиталар ҳодимларининг жамоатчилик ва жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари олдида ҳисобот бериши амалда мавжуд эмас.

Хотин-қизлар кўмиталарининг оммавий ахборот воситалари билан алоқаси талабга жавоб бермайди. Хотин-қизларга мўлжалланган матбуот органлари ва нашрларда қандай мавзулар ва муаммолар ёритилаётгани, улар ўқувчиларга, биринчи навбатда ёш аёлларга қандай таъсир кўрсатаётгани кўмиталарнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Аёлларнинг муайян қисми, айниқса қишлоқ жойларда, хотин-қизлар кўмиталарининг эътиборидан четда қолмоқда, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва шу боис турли, жумладан, бузғунчи кўчларнинг таъсир объектига айланмоқда.

Хотин-қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маънавий муаммоларини ҳал этиш ишида маҳаллаларнинг хотин-қиз фаоллари, фуқаролар йиғини, жумладан, аҳо-

ли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, миллий-диний анъана ва урф-одатларни яхши биладиган ҳамда тегишли анъанавий урф-одат ва расм-рўсумлار ўтказилишида бош-қош бўладиган аёлларнинг имкониятларидан фойдаланилмапти. Айни вақтда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ушбу хотин-қизларни ҳокимликлар, маҳалла йиғинлари томонидан ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишга фаол жалб этиш, фуқароларнинг йиғинлари раҳбарлари таркибига киритиш хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашни сезиларли даражада яхшилашга кўмаклашган бўлув эди.

Хотин-қизлар кўмиталарининг фаолияти, энг аввало, хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга, шу жумладан, вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик меҳнатини ташкил қилиш ва хотин-қизларни ишга жойлаштиришнинг бошқа шаклларида фойдаланишга қаратилиши зарур. Давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ва бошқа ёрдамлар билан бирга хотин-қизларга ишлаш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш даркор.

Иш билан таъминлаш — хотин-қизлар муқтачилиги, уларнинг фаол ижтимоий, ҳаётий позицияга эга бўлишларининг муҳим шартидир.

Оналик ва болаликни муҳофиза қилиш соҳасида қўм-қўл қилинган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар хатловдан ўткази-

лиши, уларнинг амалга оширилиши таъминланиши зарур. Оналик ва болаликни самарали муҳофиза қилишнинг муҳим шартлари ва шарт-шароитлари (оқирининг, патронаж ва бошқаларни) фаол ривожлантириш лозим.

Оилада маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, уни диний экстремизм ва ақидларастлик мафқурасининг онгли заҳарлайдиган таъсиридан, гийҳовандлик ва бошқа салбий кўринишлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо қилиш хотин-қизлар кўмиталари фаолиятининг муҳим йўналишига айланиши керак.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, таълим ва малака даражасини ошириш, уларнинг сайлаб қўйиладиган вакиллик ва бошқа давлат ҳокимияти идораларидаги кенг иштирокини, хотин-қизлар кўмиталари ва юртимиздаги бошқа хотин-қизлар ташкилотларининг халқаро хотин-қизлар ҳаракатида, меҳр-мурувват, таълим ва бошқа соҳалардаги халқаро тузилмалар фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб этади.

**Мамалятимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурили-**

шидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида **Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ 3434-сонли фармони ижросини таъминлаш бўйича ташкилий ва тарғибот чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда «Чора тадбирлар дастури» деб қўрилади) тасдиқлансин.

2. Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек хотин-қизлар билан самарали иш олиб бориш вазифаларини бажариш мақсадида доимий ишлайдиган комиссия тузилсин.

**Қуйидагилар комиссиянинг муҳим вазифалари этиб белгилансин:**

хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларининг аҳолини мунтазам равишда ўрганиш ва баҳолаш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш;

хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигининг турли шакллари ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофиза этиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида, халқаро хотин-қизлар ҳаракатида фаол иштирокига кўмаклашишга қаратилган тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш.

**Давоми 2-саҳифада**



— Маҳаллада диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчи ким, қандай одам бўлиши ҳақида жиддий ўйлаш лозим, — дейди Олий Мажлис депутати Гавҳар ИБДУЛЛАЕВА.

### Фарғона вилояти МАҲАЛЛАЛАР УЧУН ЯНГИ МАРКАЗ

**Қувасой шахрида 30 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Шаҳар ҳокимлиги уларни ишчан ва тажрибали кадрлар билан таъминлаш, моддий-техника базасини яхшилаш борасида доимо ғамхўрлик кўрсатмоқда.**

Жумладан, шаҳар марказидаги автобекатнинг "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлини тасарруфига берилиши ва бу ерда шаҳар маҳаллалари учун Маҳалла маркази ташкил қилиниши — ана шундай ғамхўрлик меваси. Хозирда бу ерда ажратилган хоналарда Қувасой шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлини ҳамда Отахон Раҳматов номли маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Хоналар компьютер, телефон ва телевизор каби замонавий техник воситалар ҳамда кўркам мебеллар билан жиҳозланган. Шунингдек, марказ атрофидан мевозор бот, спорт иншоотлари, чойхона, ошхона, савдо расталари ўрин олган.

Ҳақиқатда ана шу янги масканнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

**Қодир ШОДМОНОВ,**  
"Mahalla" мухбири.

### Самарқанд вилояти БУЛУНҒУР ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

**Булунғур тумани Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлини ташаббуси билан тумандаги маҳалла ва қишлоқ ёшлари ўртасида футбол мусобақалари намунали ўтказиб келинапти.**

— Маҳалламиз ўсимлар жамоаси бундан уч йил муқаддам "Футболчимиз келажиги" Республика турнирида учинчи ўринни қўлга киритган эди, — дейди тумандаги Мирзо Улугбек номли маҳалла оқсоқоли Эргаш Мамадиёров. — Бундан кўриниб турибдики, ҳудудда спортни ривожлантириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Айниқса, бу ишда ҳомий ташкилот ва корхоналарнинг, саховатпеша инсонларнинг ҳиссаси катта бўлапти.

Шунингдек, ўтган йили туман жамоаси вилоят саралаш мусобақаларида чиройли ўйин намойиши этиб, Сухондарёда бўлиб ўтадиган республика миқёсидаги мусобақада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган эди.

— Туманимиз ҳудудида футбол мусобақаларини ўтказиш учун мўлжалланган 60 та стадион бор, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлини раиси Абдуразақ Саримсоқов. — Уларда 1627 нафар ўсимлар ўз маҳоратларини ошироқдалар. Спорт қийматлари ва жиҳозлар билан таъминлаш, мусобақаларни юқори савияда ташкил қилиш ишларини мурувватли инсонлар, ҳомий ташкилотлар ўз зиммасига олган. Булунғур вино комбинати, Фозил Йўлдош номли шарб заводи, "Афросиёб" қўшма корхонаси, "Мингчирно" ширкат хўжаликлари шулар жумласидан.

**Пардавий ТОЖИБОЕВ,**  
"Mahalla" мухбири.

### Тошкент вилояти «СОҒЛОМ ОИЛА» СОВРИНДОРЛАРИ

**Яқинда Олмалик шахрида «Соғлом оила» спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги 21 та шаҳар ва туманлардан ғолиблар қатнашди.**

Эътиборли томон шундаки, ушбу «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақалари икки йилдан бунён анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Унда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлини раиси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, «Соғлом авлод учун», Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари вилоят бўлимлари, Соғликни сақлаш босқирмаси яқиндан ҳомийлик қилиб келаяпти.

Бу йили мазкур мусобақа ҳам кизгин беллашувлар остида ўтиб, унда Олмалик шахридаги Мамадалиевлар оиласи 1-ўринни, Бекобод туманидаги Мамақуловлар оиласи 2-ўринни, Оқўрғон туманидаги Усаровлар оиласи 3-ўринни эгаллади. Мусобақада биринчи ўринни қўлга киритган Мамадалиевлар оиласи Республика босқичда иштирок этишга йўлланма олдилар. Ғолиб ва иштирокчиларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совринлари, фахрий ёрликлари топширилди.

**МУХБИРИМИЗ**

### Маҳалланинг бузғунги сапу

## МАСЛАҲАТЧИЛАР АСЛ МАЪРИФАТЧИЛАР БЎЛСИН!



Хаммамизга яхши маълум, айни кунларда юртимиз аёлларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга давлат миқёсида катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, бу Фармонда белгиланган вазифалар муҳокамасига бағишланган маж-лисдан нутқи бунга яққол мисол бўлади.

Эртадан бошлаб маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иш бошлайдилар. Ҳўш, бу лавозимга қандай феъл-фазилатли аёлларни жалб этсак тўғри бўлади? Бу савол бугун барча маҳалла мутасаддиларини ўйлантираётгани аниқ. Бу лавозимни бажаришни зиммасига олувчи аёл энг аввало диний ва дунёвий илмлар билимдон, маҳалла аёллари, ақли ўртасида обрў-эътиборга, ўз сўзига эга бўлиши шарт. Уйлаб қўрайлик-чи, нима учун бу вазифа эгасидан диний-маърифий билим талаб этилмоқда?

Бу талаб шунинг учунки, маслаҳатчи бўлиши фақатгина диний маросим, тадбирларни ўтказишда бошчилик қилувчи отинийлардан фарқли уларок, аёлларга динимизнинг асл моҳиятини, унда даъват этилган маърифатни еткази олиш даражасида салоҳиятга эга бўлиши лозим. Чунки бугун биз ҳақиқий диний маърифат дин нибойи остидаги қора ниятли терроризмининг асл башарасини очига қодир эканини яхши англаб турибмиз. Маслаҳатчиларимиз

**Mahalla**

— Яна нима дейди?  
— Қосимжонов чемпион бўлсин, — дейди.

**Шахмат**

**РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ЧОРАК ФИНАЛГА ЧИҚДИ!**

Ливия пойтахти Триполи шахрида шахмат бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда. Шахмат оламининг энг нуфузли мусобақасида дунёнинг 56 мамлакатидан 128 нафар энг кучли шахматчи ғолиблик учун дона сураёттир. Улар орасида ўзбекистонлик халқаро гротсмейстер Рустам Қосимжонов ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. (Давоми 2-саҳифада)

**СПОРТИМИЗ**

**ДОВРУҒИ**

Болгариянинг Варна шахрида спорт гимнастикаси бўйича ташкил этилган халқаро турнирда спортчиларимиз совринли ўринларни эгаллади.

Саккиз давлатдан 30 нафар спортчи иштирок этган мазкур мусобақада Ихтиёр Раҳматов кўпкураш баҳсларида олтинчи ўрин-

**ҲАМЮРТЛАРИМИЗ СОВРИНДОР**

ни эгаллаб, эркин курраш беллашувларида эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

Шунингдек, спортчи қизларимиздан Татьяна Гайфулина кўпкураш баҳсларида тўртинчи ва ҳодадаги машқларда учинчи ўринни банд этди. Татьяна брусда ўтказилган беллашувлар-

да ҳам муваффақиятли қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади.

Кўпкураш беллашувида бешинчи ўринни банд этган яна бир спортчимиз Анна Нимкова брус баҳсларида шохсупанинг учинчи погонасидан жой олди.

**Қ.ҚАШИЕВ,**  
УэА мухбири

**Mahalla**

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида

060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий:  
«Матбуот тарқатувчи» хиссасдорлик жамияти

«М.Я.» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилди.

Муассислар:  
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви,  
«Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Телефонлар:  
Тошкент, Матбуотчилик, 32-уй

Телефонлар:  
Қабулхона — 136-53-93  
Тел/Факс: — 133-44-25  
Масъул котиб: 136-53-75  
Хатлар бўлими: 136-57-62

Шахмат

(Аввали 1-саҳифада) Рустам Қосимжонов учун жаҳон чемпионати беллашувлари омадди кечмоқда. Ҳамюртимиз дастлабки икки босқичда Коста-Рика ва Эрон вакиллари мағлубиятга учратди. Учинчи босқичдан бошлаб, унга дунёнинг энг кучли шахматчилари рўбарў келмоқда. Дастлаб, ҳамюртимиз Европанинг амалдаги чемпиони, мусобақанинг бош соври...

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ЧОРАК ФИНАЛГА ЧИҚДИ!

нига асосий даъвогарлардан бири — украинлик Василий Иванчук билан беллашувда 2,5:1,5 ҳисобида зафар қўчди.

Жаҳон чемпионатининг нимчорак финалида эса Венгриянинг беш карра чемпиони, тажрибали шахматчи Золтан Алмашига қарши донна сурди. Рустам маҳорат ва тажриба бобида венгриялик спортчи билан қўшимчилигини исботлади ва ўтказилган иккала партияда ҳам рақибини енгди — 2:0.

Чемпионат беллашувларида кетма-кет галаба қозонаётган Рустам Қосимжонов чорак финалгача етиб келди. Ярим финалга чиқиш учун шахматчимиз россиялик Александр Гришук билан куч синашига киришди. Аксарият муҳлису мутахассислар мазкур жуфтлик учрашувидида А.Гришукнинг юқори имкониятларини юқори баҳолаётган эди. Чунки А.Гришук бунгача Р.Қосимжонов билан икки марта ўйнаб, ҳар иккала учрашувда ҳам галаба қозонган.

Лекин жаҳон чемпионатининг чорак финалида ўзбекистонлик шахматчи айна пайтда Александр Гришукдан устун эканини исботлади. Ўтказилган тўртта чорак финал беллашувидида энг қизиқарли баҳс - Р.Қосимжонов ва россиялик шахматчи ўртасида кечди.

Рустам чорак финалнинг биринчи партиясида оқ доналар билан ўйнаб, 73-юришдан сўнг А.Гришукни мағлубиятни тан олишга мажбур қилди, - деди шахматчининг акаси Хуршид Қосимжонов ўза муҳбирига. - Энди, иккинчи партияда Рустам қора доналар билан ўйнайди.

Ушбу жуфтликда галаба қозонган спортчи Веселин Топалов (Болгария) ва Андрей Харлов (Россия) ўртасидаги баҳс голиби билан ярим финалда куч синашади. Ҳозирча, дунёнинг энг зўр шахматчиларидан ҳисобланган В.Топалов ҳам Р.Қосимжонов сингари биринчи партиядан сўнг 1:0 ҳисобида олдинда бормоқда.

Жаҳон чемпионатининг голиби ва совриндорлари 4 июль кунини аниқланади.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ, ўза шарҳловчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» ПФ 3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида

Аввали 1-саҳифада 3. Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси (С.Т.Иномова), Ижтимоий комплекси (А.А.Азизхўжаев) икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг ижросини ўрганиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, уларнинг оила, ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис Кенгашининг қўшма йиғилишида кўриб чиқиш учун тайёрласин.

4. Доимий ишлайдиган комиссия (Ш.М.Мирзиёев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари: 15 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раисларининг функционал вазифаларини, янги талабларни ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш ва тасдиқласин, бунда уларнинг хотин-қизлар, ёш аёллар билан самарали иш олиб боришни таъминлаш бўйича ваколатларини кенгайтиришни назарда тутсин;

5. Доимий ишлайдиган маҳалла ва кичик аҳоли пунктларидаги хотин-қизлар ўртасида уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари раисларининг ишчи аппаратларини юқори касб маҳорати, бой ҳаётий таърибига эга бўлган ҳамда одамлар билан ишлаш олаҳлиги юзасидан қадрлар билан тўлдирсин; фуқаролар йиғинларининг диний таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича қўйиладиган мақсадларга қаратилган чора-тадбирлар дастури билан бир ой мuddатда ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминласин;

6. Бош прокуратура (Р.Х.Қодиров) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати самардорлигини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни бир ой мuddатда ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А.А.Полвонова), Бош прокуратура (Р.Х.Қодиров) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш.Шоғуломов) билан биргаликда бир ой мuddатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунилари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўпламини тайёрласин ва нашр этсин.

8. Ички ишлар вазирлиги (З.А.Алматов) «Маҳалла» жағғармаси (А.Т.Г.Гадойбева), Ўзбекистон Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати (Б.Х.Убайдуллаев), жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда 2004 йил 1 августгача бўлган мuddатда маҳаллалар, кичик оқлар ва овуларда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақидапарастлик кўринишлари ва бошқа ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш бўйича ишларни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Х.Хазраткулов), «Узтелерадио» компанияси (А.К.Қўнимов), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш.Шоғуломов) хотин-қизлар ташиқлотларининг хотин-қизлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдаги ижобий иш тажрибасини, уларнинг фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдаги тобора ортиб бораётган ролини тарғиб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўрсин, хотин-қизларнинг, айниқса, кичик жойларда яшаётган хотин-қизларнинг ҳаётини, қундалик меҳнати ва турмушини кенг ёритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2004 йил 29 июнь

"АЁЛЛАР ЧОЙХОНАСИ"

айни пайтда бу ерда долзарб масалаларни ҳал этиш ҳам мумкин

Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, уни ўрнатиб ва ечимини топиш масаласига жуда катта эътибор қаратилапти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар қандай жамият ҳар, унинг келажагини, тақдирини аёллариз тасаввур қилиб бўлмайдим.

Бу ўринда мамлакатимиз шарқиди жойлашган Чуст шаҳри аҳли аёлларининг бундай маъсулиятли палладаги фаолиятини алоҳида эътироф этиш жоиз. Кўпчилик билмаска керак, шаҳар ҳудудида Сўфизода номи билан аталувчи сўлим боғ мавжуд. Боғ ўртасида қад ростлаган буюк ватандошимиз — Чустий дом-

ла ҳайкали билан ёндош қурилган мўъжазгина бино бугун "Аёллар чойхонаси" деб юрилади. Боиси, масканга таширф буюрадиганларнинг аксарияти аёллардан иборат. Қолаверса, уларнинг чойхонада йиғилишларида мақсад шунчаки ўйин-кулгу, кўнгилочар тадбирларни ўтказиш эмас, балки мамлакатимиз ҳаётига оид муаммоларни муҳокама қилиш бугунги кунда аёлларимиз ўртасида кўндалан бўлиб турган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ўзлари учун қулай имконият ва имтиёзлар яратиш, ўз манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Дарвоқе, ҳозирда бу ерда фаолият кўрсатётган каттагина кутубхонадан кўпчилик қўстликлар баҳраманд бўлмоқдалар. Шу маънода, айна пайтда Сўфизода боғи маърифат

ва зиё марказига айланди, десак янглишмаган бўламиз. Зеро, бу гўшада бугун вилоятнинг ташаббускор хотин-қизлари йиғилиб, баҳамжиҳат тадбирлар, анжуманлар ўтказаятгани, маҳаллалардаги аёлларнинг фаолигини ошириш йўлида суҳбатлар, тушунтириш ишларини ташкил қилаётгани қувонарли ҳол. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлисда ҳам ушбу масалалар ўртага ташланган эди. Шунини яна тақлиф сифатида айтиб ўтишни истардимки, вилоят ва туман раҳбарлари, маҳалла фаоллари бу маскан ҳамда бу ерда ўтаётган тадбирларни бугунги талаб даражасига кўтаришга ҳаракат қилсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Барно ШОРАҲИМОВА Наманган вилояти.


Ўзбекистон ва халқаро ташкилотлар Европа Иттифоқи ҳуқуқи фанлари

Шу йил май ойида Европа Иттифоқи тарихида муҳим воқеа юз берди — ўнта давлат ушбу нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлиб кирди. Бу эндиликда Европа Иттифоқи ушбу қитъанинг 25 мамлакатини бириктирувчи энг катта иттифоққа айланади, деганидир. Ана шу мамлакатлар қармаган умумий ҳудудда 454 миллион 18 миң нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилишини назарда тутсак, мазкур тузилманинг салоҳияти нечоғли улкан экани янада равшанлашади.

Ҳўш, ана шундай эътиборли халқаро ташкилот билан мамлакатимиз ўртасидаги муносабатлар қандай ривожланоқда?

Бунда, аввало, 1996 йилда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро муносабатларимиз асоси эканини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу битим Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 3 сентябрда "Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамда унга аъзо давлатлар ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалда татбиқ этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг комплекс дастури тўғрисида"ги қарор қабул қилинганидан сўнг кучга кирди.

Утган беш йиллик қисқа даврда мазкур битим ва эйр этилган Қарор талабларини рўёбга чиқариш борасида муйайн ишлар амалга оширилди. Айниқса, юқоридаги ҳужжатлар доирасидаги маслаҳатлашуу ва техник кўмак кўрсатиш жараёنлари иқтисодий соҳадаги ислохотларимизда самарадорликка эришишда кўп жиҳатдан қўл келаятгани диққатга лойиқдир.



Х.ШОПЎЛТАТОВ олган сурат.

Яқинда зарур юмуш билан Сирдарё вилоятининг Пахтаобод қўрғонига жўнайдиган бўлдим. Автобусда юриш учун кетадиган вақтинги ҳисобга олиб, манзилда мени кутиб туриш лозим бўлганларга кутуш вақтинги хабар қилдим. Яна вақт тақозосига кўра ўша ердаги масжидда жума намозини ўқини ҳам режалашдим. Эрталаб, Тошкентдан Жиззахга кетаятган 11 АИ 747 русумли автобусга чипта олдим. Автобусда эйиб қўйилганига кўра, насиб этса уч ярим соатда етиб борамиз. Аммо, афсуски...

НАФС БАЛВОСИ

ёхуд йўловчилар дардини ким тинглайди?

Олинган чиптада автобуснинг жўнаш вақти 8:25 кўрсатилган. Лекин чипта сотувчи сураганларга соат 9:00 да жўнади, деб жавоб қиларди. Хайдовчидан сурашганлариди у яна бироз чўзди — автобус соат тўққиз яримда йўлга тушушини айтди. Уринларга жойлашиб, сабр билан кута бошладик. Чошгоҳ бўлмасдан кун қизгандан қизди. Автобус ичи йўловчиларга кўп тўлди. Охири ваъда қилинган вақт ҳам бўлди, лекин автобус жойдан жимлади. Кўпгина йўловчилар автобусни тарк этиб, такси ёки "маршрутка"ларда жўнаб кетишга ҳам рози эди, бироқ ҳаммаси бекат ходимлари ишониб чипта олиб қўйишган. Йўловчилар хайдовчидан тезроқ жўнашини талаб қилар, хайдовчилар "экилажи" — учовлон бириқиб, асосий далиллар билан ўзларини ҳимоя қилар, учови уч томонга зир югуриб, йўловчи йиғишарди.

Хасрат

Нихоят, автобус секин юриб, "Отчоп" бозорига келиб яна тўхтади. Яна йўловчиларни куттиди. Автобус узок чўйқалиб турганидан сезилдики, юкхоналарнинг ҳаммасига бу жойдан оғир юклар ортди. Автобуснинг "уст" ҳам "ости" ҳам тўлди. Шофёрлар чандон хурсанд бўлишиб, йўлга тушдилар. Ав-

чўл марказига етганда машина яна ишдан қичди. ... Намоз вақти ҳам ўтиб кетди. Энди эса бой берилган имкониятларга рози бўлиб, жадли ютиб, манзилга етгунча сабр қилишини ўзи ибодат эди. Нихоят автобус катта йўлга чиқиб олди. Йўловчилар норозиликларини шофёрнинг юзига айтиб, тушиб кета бошладилар. Йўловчилар автобусни бошқарётган бу уч йиғитдан ниҳоятда норози эдилар. Мен эса автобусдан тушдим, яна орта кетадиган автобусга қўл кўтардим. Мен ўч қоралидан кишилар кетиб қолган эди. Уйга келсам фарзанд ва набираларим ҳам бўлиб, ўтиришган экан. Ҳар гал жума намозидан қайтган, имом мавъизасини аҳли аёлларимга гапириб берам эдим. Гарчанд жума намозига кўндалан бўлсам-да, бу одатни унда қилмадим: — Болаларим, — деб уларга мурожаат қилдим, — зинҳор нафсларингга эрк берманглар, касбларингга, омонатга, ваъдага хиёнат қилманглар. Бировага яхшилигингиз беминнат бўлсин. Борди-ю ваздангизнинг устидан чиқа олмасангиз, хатоингизини тан олиб, узр суранг. Шоядки, кейинги сафар, улар калбини шод қила олсангиз!

Абдурауф РАХИМКУЛОВ, меҳнат фахрийси.



Х.СОДУҚОВ чизган расм.

# Ийғун ҳаёти ГАРДИЁНЛИКЛАР ҒАЙРАТИ БАЛАНД

Қизилтепа туманидаги Гардиён қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллаларда кейинги вақтларда кўплаб ижобий ўзгаришлар юз бермокдаки, бу албатта, жойлардаги раислар фаолиятига бориб тақалади.

— Йиғин таркибидега 4 та маҳалла бўлиб, сайловларда барча оқсоқоллар аниқдан сайланди, — дейди Гардиён қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдулла Ражабов. Маҳаллалар идораси бинолари талабга жавоб бермаганилиги, хоналар етишмаслиги туфайли дастлаб ишни ана шу муаммони бартараф этишдан бошлади. Улар мурожаат билан қишлоқ фуқаролар йиғинига ва туман ҳокимлигига чиқиди. Уринишлари зое кетмади. Туман ҳокимининг маҳаллаларга келиши улар учун аниқ муддао бўлди. Маҳалла биносига ёлчимаётган Майта маҳалласи фуқаролар йиғинига илгари туман соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли бино берилди. 6 та хонадан иборат бу бино бугунги кунда таъмирланиб, аjoyиб бир масканга айлантирилди. Йиғин таркибидега Қуллол маҳалласи фуқаролар йиғини ихтиёрига эса туман халқ таълими бўлимига қарашли "Нилуфар" болалар богчаси биносининг ярми, қолган қисми эса Қушарти маҳалласи фуқаролар йиғини ихтиёрига ақратилди. Бу жой жуда катта ҳудудга эга бўлиб, унда маҳалла учун барча қулайликлар мавжуд. Бир гектардан кўпроқ майдонга эса бу жойда

Ҳабибулла ҲОШИМОВ

## Кичик тадқиқот

Табиатга, эл-юртга муҳаббат туйғулари ва ватанпарварликнинг юксак меъзоли — ўзаро ҳамонанг тушунчалар. Кишиларимизнинг маънавий ва ахлоқий қиёфалари кўпчилик ҳолларда, уларнинг атроф-муҳитга муносабатлари орқали ҳам аниқланади. Инсоннинг тафаккур олами, характери, табиати табиий олам билан мулоқотда шаклланади ва ривожланади. Табиий муҳит бизни фақат гўзалликини ҳис қилишга, севишга эмас, балки меҳнатсеварлик, раҳмдиллик, эзгулик ва оққўнгилликка ўргатади.

Бу эса, айниқса, қишлоқ шароитида яққол намойиш бўлади. Маълумки, қишлоқда ўқувчи-ёшларнинг ижодкорлик, маданий муассасалар хизматидан баҳраманд бўлиш имконияти маълум даражада чегараланган. Аммо уларнинг кундалик турмуши бевосита табиатдаги гўзаллик олами билан боглик. Улар ана шу табиат туйғуларидега ижтимоий меҳнат жараёнига қўшилилади. Ватан, уни қуршаб турган атроф-муҳит, ер-сув қадрини болалик чоғларидан идрок эта бошлайдилар. Ватан тушунчаси, Ватанга муҳаббат туйғуси уларда анча олдин шакллана бошлайди. Социологик тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, 67 фоиз қишлоқ ўқувчиларининг ҳаётида жисмоний дала меҳнати муҳим ўрин тутди, шахар мактаблари ўқувчилари ҳаётида эса бу кўрсаткич 46

# ТАБИАТДА ТУЙГУЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

фоизни ташкил этади. Хайвонот олами, ўсимликлар дунёси ва техника соҳаси билан машғуллик кўрсаткичи қишлоқ ўқувчиларида 46 фоиз бўлса, шахарда эса 32 фоизни ташкил этиши аниқланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсонларнинг ўзаро меҳр-шафқат, мурувват ва ғамхўрлик каби туйғулари табиий олам билан нисбатан узвий ва яқин алоқада бўлган қишлоқ ўқувчиларида юқорикор даражада шаклланган. 21,4 фоиз ўқувчилар (шаҳарда 12,6 фоиз) эҳтиёмжанд инсонлар ёрдам берадилар, ҳомийлик қиладилар. Қишлоқда 20,6 фоиз ўқувчилар богча ёшидаги кичкинтойларга ёрдам берадилар, меҳр-шафқат кўрсатадилар. Жамоатчилик ишларида эса қишлоқда 6, шахарда 4,3 фоиз ўқувчилар иштирок этадилар. Қиш-

лоқ мактаблари ўқувчиларининг ақсариёти ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қўчалар экиш ва уларни парвариш қилиш ишларида катта қизиқиш билан қатнашадилар. Бу кўрсаткич шахар ўқувчиларида 27,3 фоидан иборат. Қишлоқ мактаблари ўқувчиларининг уй-ҳўжалик юмушларидаги фаолликлари анча юқори: қишлоқда 84,1, шахарда эса 64,9 фоиз. Яшаш жойи, ўлка тарихига қизиқиш ўқувчиларда биш ўйлағандан анча паст, қишлоқда 16,6 фоиз ва шахар ўқувчиларида 14,5 фоиз эканлиги кузатилди. Уйлайманки, бу ўринда маҳалла фуқаролар йиғинларининг, маҳалла оқсоқолларининг ва фаолларининг эътибори муҳим аҳамиятга эга. Табиий, бундай вазиятларда оиланинг роли беқиёс бўлиб, у тарбиявий жа-

раёнинг асосий иштирокчиси. Кўпчилик ҳолларда болаларнинг табиатга, у орқали меҳнатга қизиқишлари оила аъзолари, ота-оналарнинг қизиқишлари билан боглик бўлиб чиқади.

Табиий оламга муносабат болаларда ота-оналар билан дам олиш вақтларида, бог, дала ва қирларга сайр-саёхатлар орқали шаклланади. Бунда болалар табиат гўзаллигини ҳис этишни, севишни, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, ўсимликлар дунёсининг ва хайвонот оламининг ўзига хос сирларини ўрганишда ота-оналаридан ўрнак оладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсоннинг интеллектуал тараққиётига табиат билан мулоқот ижобий таъсир кўрсатади. Бундай мулоқот инсоннинг ички сезги туйғуларининг ажиолишига таъсир этади. Бу ўринда табиат тасвири бўйича ўқувчилар ўртасида расмлар кўргазмаси, шэрият кечаларини уюштириш улар қалбидега табиатга, эл-юртга чекиз муҳаббат туйғуларини уйғотувчи энг яхши воситадир.

Элнора ЖУРАЕВА,  
Фарғона давлат университети талабаси.

## Тошкент вилояти

### БОЛАЛАР ТАЪТИЛДА, МАКТАБ ТАЪМИРДА



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Айни пайтда навбатдаги ўқув йилини яқунлаган мактаб ўқувчилари ёзи таътилни мароқли ўтказмоқдалар. Энди мактаб мазмурияти зиммасида бу давр мубойидаги масканни таъмирлаб, кейинги ўқув йилига ҳозирлаш масъулияти турибди. Янгийўл туманидаги 15-умумтаълим мактабидега ҳам 95 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ишлари олиб бериладилар. Бунга ҳудудда жойлашган "Ишонч" фермер хўжалиги хомийлик қилди. СУРАТДА: таъмирловчи усталар гуруҳи бригадари Одил Шарипов (ўнгда) ҳамда уста Низомиддин Отабоев.

## Сурхондарё вилояти

### Замондош ҳиммати

## «ДЎСТЛИК»ДАДИР БИРДАМЛИК, МЕХР-ОҚИБАТ

Ангор туманидаги Дўстлик қишлоқ фуқаролари йиғини чезара ҳудудда жойлашган. Ерларининг бир томони Термиз, ўнг ёни эса Музработ тумани ерларида туташиб кетган. Қўшни Афғонистон ҳудуди ҳам унинг шундоққина чап қўнидан бошланади. Аҳолиси саккиз минг кишидан иборат. Улар 1387 хўжаликка бирлашган бўлиб, 1678 оилани ташкил қилади.

Қишлоқ йиғинининг Дўстлик деб номланиши ҳам бежиз эмас. Фуқаролари турли миллат вакиллари, улар орасида туркман, рус, татар, тожиклар кўпчиликини ташкил этади. Лекин чинакам байналмилал аъналарга содиқ қолган қишлоқ одамлари бир оила фарзандларидек аҳил яшашади. Қишлоқ йиғинига Норбўта Раҳимов раислик қилади. У ҳамма эл қорига ярашга, ҳолатини чиқаришга ҳаракат қилади. Тўю-маъракаларнинг бошида ўзи туради.

Қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфида Чинобод, Навшаҳар, Охунбобоев номли маҳалла йиғинлари фаолият юритади. Уларнинг раислари ҳам катта ҳаёт таърибига эга. Байрам Шопўлатов, Сайфулла Утанов, Саттор Фафоровлар ўз вазифасини теран англайдилар. Сўнги икки йил ичида ўндан ортик тижорат дўконлари, 2 та сартарошхона, 2 та пойфазал таъмирлаш устанонаси, 14 та тегирман, об-жувозлар қурилиб, эллика яқин киши ишли бўлганлигини айтиб ўтиш фикримизга далил бўла олади.

Қишлоқда учта мактаб бор. Уларда меҳнатқашларнинг 2465 нафар ўғил-қизлари таълим-тарбия олашади. Бу ерда маҳалла, оила ва мактаб ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Оқсоқоллар, ота-оналар мактаб раҳбарлари билан яқин алоқада бўлишиб, илм масканларини таъмирлашга, синфхоналарини жиҳозлашга амалий ёрдам бермоқдалар, моддий-техника базасини яратишга мададор бўлишмоқда.

Биргина мактаб эмас, ижтимоий ночор, кам таъминланган оилалар ҳам муҳофизатга олинган. Бундай савоб ишларни амалга оширишга тўққизта фермер, Навшаҳар ширкат хўжалиги раҳбарлари хомийлик қилмоқдалар. Мана, бир мисол. «Ғайрат» фермер хўжалигидега 25 гектар майдонда деҳқончилик қилинади. Унинг 12 гектарига пахта, 13 гектарига галла экилади. Утган йили юксак кўрсаткичларга эришилди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 40 центнерни, галла эса 55 центнерни ташкил қилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Сарф-харажатдан ташқари, 8 миллион сўм соф фойда олинди. Унинг асосий қисми фермер хўжалигининг техника базасини мустаҳкамлашга ажратилди. Қариб икки миллион сўм пул эса хайри ишларга сарфланмоқда. 12-мактабни таъмирлаш ишига қурилиш материаллари олиб берилди. Пензионерлардан йигирма нафарига, кам таъминланган, ночор оилалардан йигирма бештасига нафарига моддий кўмак кўрсатилди. Йил охирига шундай оилалардан иккитасининг турар жойини таъмирлаб бериш кўзда тутилган.

Фермерлар қишлоқ ободончилигининг жонқуярига айланган. Буни Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини мисолида ҳам билса бўлади. Утган йили Охунбобоев номли маҳаллада бир ярим километр йўлга асфальт ётқизилди. Бу ишга Нормурод Шерназаров хомийлик қилди. Қишлоқ оқсоқоли Норбўта Раҳимов билан сўхбатимиз чоғида у тижоратчи Нормурод Шерназаров ҳамда фермер Раҳмон Жовиевларнинг номларини мамнуният билан тилга олди.

— Уларнинг элга хизмати беқиёс, — деди у. — Одамларга ҳиммат кўрсатиш билан бирга, Нормурод Шерназаров, Охунбобоев номли маҳаллада, Раҳмон Жовиев Чинобод маҳалласидега гузар қуришяпти. Хар бири ўн хонадан иборат. Хизмат кўрсатиш корхоналаридан ташқари, маҳалла йиғинлари, милиция таянч пункти ҳам шу бинодан ўрин олади. Насиб этса, гузарларимиз мустақиллигининг ўн уч йиллик байрами арафасида ишга туширилади.

Омон ШУКУРОВ,  
«Mahalla» муҳбири.

## Меҳр булови сўнмасин

«Ешим 68 да, пенсия оламан. Ўғлим ва икки яшар невараким билан яшайман. Неварачам Ёдгорга ҳам 3500 сўм нафақа берилади. Сабаби, келиним кўзи ёрир пайтда оламдан ўтган...»

«Хат» шу зайли давом этаверади. Тақдирнинг чигирналаридан ўтиб келаётган бир момо, унинг нахжувонига ёшида тириклик дунёсидан кўз юмган қаро қисмат келини, ортидан ўртаниб-термулиб қолган шўрманглай йиғитгина — момонинг ўғли кўз олдимизда гавдаланаверади.

«Хат» шу зайли давом этаверади. Тугулибоқ ҳаётнинг зарбасига рўбарў келган мурғаккина қизалоқ кўз ўнгимизда пайдо бўлади яна.

Шу зайли «хат»ни ўқишда давом этаверамиз. Энди оила эркак — ўғил елкасига тушган муаммоларини ҳам ҳал қиламиз.

Нурота туманининг Сойкечар қишлоғига кириб борганимизда кун чошгоҳдан ошган эди. Ҳамроҳлик қилиб келаётган Янгитурмуш маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шукурулло Жумаев бизни «хат» муаллифи Қантай момо Хонқазоқованинг уйига бошлади.

Уйга кирар эканмиз, қачондир келини бўлган хонадонда «из»лари бўлиб, қаштали сочигу сўзана кўзга ташланарди.

Қаршимиздан пилдираб чиққан, кўзалари катта-катта қизалоқ — Ёдгорнинг чеҳрасига нигоҳ ташладик. Меҳримиз унинг бош-кўзини силади. Бир лаҳза тилимиз суйди, дилимиз ардоқлади уни. Баробарига беғубору ғамсиз-порлоқ чеҳрасига бокбук, руху шууримизда ушбу фикрлар чарх уради:

«Тақдир сени бемаҳалдан бемаҳал она меҳри — бағридан айрган бўлса-да, шу фидойи момонинг — Қантай момо борлиги учун ҳам, бахтлиман, қизалоқ! У сени ўзи эмасда едириб, қиймасда-да кийдириб ҳеч бўлмаса, улғувор, покиза меҳр-муҳаббати билан ўраб-чирмаб, папа-

# «ОНАСИЗ КАТТА ҚИЛИШ ҚИЙИН ЭКАН...!»

## Ёки меҳр ва мурувват кўрсатишга унча шонилмаётган фермеру тадбиркорлар

лаб ўтирибди. (Ваҳоланки, Меҳрибонлик уйларида қанчалаб тақдирдошларинг, ҳатто ота-онаси борлар ҳам ана шу буюк МЕХРГА зор, ўзлари тўку, кўнгиллари ночор.)

«Онасиз катта қилиш қийин экан. «Малыш»ларим би-ир қиммат. Қўру қутимиз ана шу билан кетди-да... Эсон-омон катта бўлсин болагинам. Бахтли бўлсин, илоҳим! ... Шу учун бироз қийналиб қолдик-да! Момо гапиракан, ўз мушкулотини айтишдан, ёзилган «шикоят хатидан» хижолат чекаётгани аён эди. Шу асно у неварасини бағрига босаркан, лаблари титраб кетди. Минг бир чирик остида қолиб кетган ёнокларидан донда суви куйилиб келди. Тезгина энги билан кўзини артиб, ўзини кўлга олишга ҳаракат қилди.»

Момонинг «кўнглини қовлаб», дардини кўзгаб, ортиқча изтиробга солгимиз келмади.

Остона хатлаб чиқарканмиз, «ҳовлисидега нега деҳқончилик қилишмаган» деган савол тилимизга келди. Маҳалла сарқори «оқар сув йўқ, фақат Аллоҳдан наҳот кутиб, экин-тикин қилинади. Ҳатто киши кўп ҳолларда уруғликкам куйиб қолади», деган жавоб айтди.

— Ўғли кўринмади, ишсиз деган эди? Бу саволимизга оқсоқол шундай жавоб берди: Ростдан ҳам бу қишлоқда иш йўқ. Оила боқиш маъсулиятини ҳис қилган эркак борки, иш излаб-юрт кезиб кетган. Ҳозир ҳам шу мақсадда кетган бўлса керак.

— Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида хайрия маб-

лағлари ҳисобига жамғармалар ташкил этиш; шу жамғарма маблағини-да ана шундай эҳтиёмжанд кишиларга моддий ёрдам тарзида сарф этиш ҳам кўзда тутилган, шекилли? — сўраймиз оқсоқолдан.

— Тўғри. Лекин... худудимиздаги аксарият тадбиркор-фермерлар «ҳозир имкомини йўқ», деб бу масалага ёндашмаяпти. Фақат биргина Омонкул Туроббоев фермер хўжалиги ўтган йили бир кўй бердию, ўшунда қарияларга дастурхон ёлди...

Маҳалла сарқорининг бу жавобидан кейин Гум қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Суннат Абдулломоғва ҳам юқоридеги савол билан мурожаат қилдик.

— Бу масалада энди биз астойдил ҳаракат қилишимиз лозим, — дея жавоб берди у.

Урганишимизга қараганда, бу худуддаги ширкат хўжалиги тугатилди, фермерлар уюшмасига айлан-тирилган. Сурувлар, ерлар тадбиркорлар қўлига ўтиб, фермерлик ҳаракати кенг қулоқ ёймоқда.

Ҳозирда бу худудда 80-90 атрофида фермер хўжалиги фаолият олиб боради. Иши ривожланган фермерлар отарларида 800-1000 тача қўй-кўзи мавжуд бугун.

Лекин ҳали айтганимиздай, бу фермер-тадбиркорлар хайру саховат учун «мурувват қўли»ни чўзган эмас. Шу ўринда эса, ҳақли бир эътироз туғилади:

Сузли (артезиан қудуғи бор, яъни сўғирли имкониятлари мавжуд) барча ерлар, сурув-сурув қўйлар, ҳали айтганимиздай, фермерлар их-



тиёрида бўлсаю, нега улар на ҳукумат бошлаётган мурувват тадбирига бош қўшадилар, на молу бойлик ато этган Аллоҳга шукрона айтиб хайрия қиладилар.

Тўғри, уларнинг-да минг бир муаммо, ўйи ташвишлари бордир, бисёрдир бугун. Лекин ҳар қандай вазиятдаю молу жонимизнинг эгаси — Яратганининг бандаларига ушбу-дай огоҳлантиришлари ҳам мавжудлигини эсга олишимиз лозим-да!

Яъни «Молингдан садақа қил, мен унга барака берай», ёки «Эй, одам фарзанди, ўзим берган мол-дунёдан ҳақимга закот ажратиб, фарзимни адо этмасанг, фақир ва мискинлар ҳақини ушлаб турадиган бўлсанг, билгилки, мажбуран мол-дунёнигни тортиб оладиган золимларни юбурман. Улар қўлига ўтиб кетган молнинг учун ҳеч қандай савоб ололмайсан!» (Қудсий ҳадислар), ёки яна «Қайси киши силан раҳм қилиб ... фақирларга бирор нарса беришни бошлаган бўлса, Аллоҳ таоло унинг молини зўбда қилади» (Пайгамбаримиз с. а. в ҳадислари) қабилар.

Салима УМАРОВА

## Ўтмиш йўлидаги карвонсаройлар

Эзма манбалар ҳамда сайёҳларнинг кундаликларида ёзиллишича, илк карвонсаройлар миллоддан аввалги II-I асрларда пайдо бўла бошлаган. Карвонсаройлар Шарқ, Урта Осиё ва Кавказ мамлакатларининг савдо йўллари устида ҳамда Буюк Ипақ йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, қўнча Урганч, Фарғона, Марғилон, Қўқон, Варахша, Пойкент, Кармана, Тошкент, Жиззах, Шахрисабз, Қарши, Шеробод, Термиз каби шаҳарларда, айниқса кўп қурилган бўлиб, улар савдогарлар, сайёҳлар ва бошқалар учун қўнқ, меҳмонхона вазибаларини бажариб келган.

Карвон савдоси қадимда, XIV-XV асрларда, хусусан Темур ва Темурийлар давридан бошлаб турли мамлакатлар халқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бир кўриниши сифатида ривожланган.

## Тарих тафсилоти

Амир Темур буйруғи билан жануби-ғарбий вилоятлардан Самарқандга олиб борувчи йўллар ёқасида сайёҳлар ва савдогарлар дам олишлари учун карвонсаройлар, роботлар ва отхоналар қурилган. Мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган карвонсаройлар кўпинча катта савдо йўллариининг чорраҳаларида жойлашган ва улар одамлар билан отларнинг дам олишлари учун хизмат қилган.

Бу ҳақда Самарқандга, Амир Темур хузурига келган испан элчиси Клавихо ўз «Кундалиги»да муҳим ва қизиқарили маълумотлар ёзиб қолдирган. Жумладан, Самарқандга бораётган испан элчилари бир шаҳардан йўлга чиқётганларида отлар билан таъминланган. Клавихо ёзади: «...ўзлари ва барча одамлар юриши, юкларини элтиш учун шу ердан бошлаб ва бутун масофа бўйлаб сенъор (яъни Темур, — Б.Р.) унинг хузурига борувчилар — кимдир кечаю кундуз, бошқа бирор ярим кун йўл юриши учун отларни доимо тайёрлаб туришни буюрди. Бир жойда юзта, бошқасида беш юзта, учинчи жойда икки юзта от бор эди. Бу йўллар то Самарқандга қадар ана шундай эди. Бу отлар

кимсасиз жойларда ҳам, аҳоли яшайдиган жойларда ҳам (тайёр ҳолда) сақланган, қишлоқлар йўқ жойларда эса сенъор меҳмонхонага ўхшаш катта уйлар қуришни, яқин атрофдаги шаҳару қишлоқлар аҳолиси бу ерларга от ва озиқ-овқатлар етказиб беришни буюрди». (Клавихо «Кундалиги», 89 бет).

Савдогарлар, узоқ манзиллардан хориб-чарчаб келган карвон шу ерда юкларини тушириб, ўзлари ҳам дам олиб, хордик чиқариб, яна йўлини давом эттирганилар. Савдо карвонлари ва улардаги молларнинг хавфсизлигини таъминловчи махсус қўриқчилар тайинланган.

Бухоро, Хирот, Машҳад, Қандаҳор шаҳарларирига қатнайдиган савдогарлар учун ҳар жихатдан қўлай карвонсаройлар бунёд этилган. Бу карвонсаройлар XIX аср охирида Россия ва Урта Осиё хонликларининг шимол-шарқий Эрон билан ташқи алоқалар ўрнатишда муҳим рол ўйнаган. 1725 йили Бухоро шаҳрида тўққизта икки қаватли карвонсарой, XIX асрнинг 30 йилларида 20 та, 1840 йилларда 39 та карвонсарой бўлиб, уларда маҳаллий савдогарлар билан бирга, юзлаб хорижлик савдогарлар ҳам яшаб, фаолият кўрсатганлар. Шунингдек, 1840-1850 йилларда Қаршида 10 та, Шахрисабзда 7 та, Тошкентда 15 та, Қўқонда 10 та

ларда қисман ортган. Жумладан, Бухорода 136 та, Самарқандда 42 та, Тошкентда 38 та, Хивада 41 та, Қўқонда 14 та, Шахрисабзда 12 та, Қаршида 15 та карвонсарой бўлган.

Бу шаҳарлардаги карвонсаройлар сотилади-кан товарлар турига қараб, галла қарвонсаройи, пахта қарвонсаройи, жун ва тери, гилла ва палос, ёғоч ва хашак қарвонсаройлари деб юритилган. Қарвонсаройларнинг бундай номланиши ҳамда алоҳида жойлашуви харидорларга анча қулайликлар туғдирган. Шунингдек, қарвонсаройлар қайси мамлакат савдогарларига тегишли эканлигига қараб, Афғон, Эрон, Хинд, Қашқар қарвонсаройи деб юритилган.

(Давомий бор.)

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ



## Олам Турфа

### ИССИҚҚА БАРДОШЛИ ШОКОЛАД

Маълумки, одамгаги шоколад иссиққа бардошсиз — 25 даражадагек эриб кетади. Шунинг учун Пентагон Яқин Шарқдаги ҳарбий қисмларини бу ширинлик тури билан таъминлашга анча қийинчиликларга учираётмувди.

Эндилкида бу муаммони ҳам ҳал этишди. Пентагон Херши шаҳридаги (Пенсилвания штати) озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи «Херши фудс» компаниясига иссиққа чидамли шоколадлар ишлаб чиқаришга бюртма берганди. Буюртма бажарилди. Янги турда бу шоколадлар 60 даража иссиққача бардош беради.

## ТОВУҚЛАРГА ГАЗЛИ СУВ

Иллинойс доирларунини олим Тег Огом кўп ишлардан бери муҳим нуқсонни қангай қилиб қамтиқроқ қилиш мумкинлиги юзасидан иш олиб борарди. Ва охири оқибат куйидагича ҳулосага келди: газли сув муҳим нуқсонни мустаҳкамларкан.

Шунинг учун у товуқларга оддий сув ўрнига газли сув беришни тавсия этмоқда. Ана шунда тукумларни транспортга юклаётганда ва тушираётганда чиқиндисиз (сингама ҳолда) ташиш имкониятига эга бўлинади.

## КОМПЬЮТЕР БАШОРАТ ҚИЛАДИ

Лос-Анжелес қуналарига одамнинг ташиқари автотомобиллар пайдо бўлганига ҳам анча бўлиб қолди. Тўғри, ташиқари кўринишдан улар бошқа автотомобиллардан фарқ қилмайдиган лекин унинг хусусияти...

Автотомобилга компьютер ўрнатилган бўлиб, шу дамда қайси кўчаларда транспорт «тиқини» мавжудлиги ҳақида ҳайдовчига олдиндан хабар беради ва шу билан бирга манзилга тезроқ етиш учун энг яқин ва бўш кўчалар йўналишини кўрсатади. АҚШ транспорт вазирлиги «Патфайндер» компьютер тизими билан жиҳозланган бундай автотомобилларни ҳозирча синовдан ўтказмоқда. М.ЛАТИПОВА тайёрлади.

Эътироф

КЎХНА ҚЎЛЭЗМАЛАР БИЛАН ТИЛАШГАН ОЛИМ

Атоқли шарқшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофотининг совриндори, тарих фанлари доктори Асомиддин Ҳусайнбоевнинг юртимиз илм-фан тараққиётидаги ҳиссаси катта. Олим 50 йилдан ортқ вақт давомида ЎзФА ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган бебаҳо бойлик — қўлэзма асарларни изчил ўрганиб келмоқда.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi воқеалари бевосита шохиди, Мухаммад Солиҳхўжа қаламига мансуб "Тарихи жадидий Тошканд" асарига бағишланган рисола, ўтган асрнинг 50-йилларида Шарқшунослик институтининг қатор олимлари билан ҳамкорликда Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асарининг арабчадан ўзбек тилига ағдарилган йирик наشري кабилар доманинг дастлабки илмий фаолиятига мансубдир. А.Уринбоев олиб борган жиддий илмий йўналиш — бу соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи билан боғлиқ тадқиқотлар.

Ўрни келганда айтиш керакки, ўша давр мафқураси нуктаи назаридан ўта нозик бўлган бу мавзуга домла А.Уринбоев юксак меҳр, катта масъулият, маълум даражада жасорат билан ёндашган.

Темурийлар даври тарихига бағишланган машҳур тарихчи Абдураззоқ Самарқандий қаламига мансуб "Матлаи савдйин ва мажмаи баҳрайн" ("Икки саодатли юлдузнинг қишиш ва икки денгизнинг қишилиш жойи") асарининг форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниши олимнинг илмий фаолиятига дебеча бўлди.

Маълумки, Амир Темур ва Темурийлар даврига оид муҳим манбалардан бири машҳур муаррих Шаррафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" номли асаридир. Таржима ишининг ўзига хос тарихи бўлиб,

1969 йили ЮНЕСКО ташкилоти томонидан Самарқандда Темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган Халқаро илмий анжуман ўтказилган эди. Шу муносабат билан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар орасида "Зафарнома" асарини нашр этиш ҳам бор эди. А.Уринбоевнинг машаққатли меҳнати тўғрисида "Зафарнома"нинг Шарқшунослик институтидаги нусхалари билан киёсий ўрганилиб, 1972 йилда Тошкентда факсимили нашр этилди.

Табиийки, шўролар ҳукуматиинг мафқураси бундай "ташаббус"га бефарқ қараб турмади, ўтмиш тарихимизнинг илмий асосда ҳолисона ўрганишга қарши чоралар кўрилди. Матбуотда "Амир Темур шарҳи"га сўрашганда, уни идеаллаштириш мавзусига оид мақолалар чоп этилиб, Темур ва Темурийлар даврини қоралаш авж олди. "Зафарнома" нашрининг сотиб олгурилмаган нусхалари китоб дўконларидан йиғиб олинди. Асарни нашрда тейёрлаган захматқаш олим А.Уринбоев ва бу хайрли ишга бош-қош бўлиб жонбозлик кўрсатган академик Иброҳим Мўминов масъул юқори идораларда сўроққа тутилиб, таъйиқ остига

олинди. Лекин бу ноҳақ таъйиқлар А.Уринбоевнинг Темурийлар даври тарихига бўлган илхосини сўндира олмади. Бинобарин, А.Уринбоев Темурийлар даври бўйича янги мавзуга қўл урди. Бу мавзу шундан иборат эдики, Шарқшунослик институтида "Махмуаи мурасолот" (Мақтублар мажмуаси) мавжуд бўлиб, бу мақтублар "Навоий албому" номи билан ҳам машҳур эди, улар Абдураҳмон Жомий, Хўжа Аҳрор Валий ва унинг муридлари томонидан Алишер Навоий, Хусайн Бойқарога йўланган мақтублардан иборат эди. Мақтубларнинг Темурийлар даври тарихига доир алоҳида аҳамиятидан келиб чиқиб, устоз А.Уринбоев бу хатларнинг қўлэзмалари устида узок йиллар тинимсиз меҳнат қилиб, уларнинг сиру асорларини муқаммал суратда очиб беришга муваффақ бўлди. Бу тадқиқот жажон микёсида ҳам юқори даражада баҳоланиб, у 1987 йили Тожикистонда, 2000 йили Эронда қайта нашр этилди.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгандан сўнг устоз А.Уринбоев учун катта илмий имкониятлар очилди. Соҳибқирон Амир Темур тарихига бағишланган тарихчи Низомидин Шомийнинг "Зафарнома" асарининг қоралама таржимаси марҳум домла Юнусхон Ҳакимзонов томонидан бажарилганича қилиб кетган эди. Устоз ана шу муҳим манбанинг ҳар бир сўзини матн нусхаси билан қайтадан солиштириб, зарур тузатишлар киритиб тўлдирган ҳолда 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига соғаматқаш олим А.Уринбоев ва бу хайрли ишга бош-қош бўлиб жонбозлик кўрсатган академик Иброҳим Мўминов масъул юқори идораларда сўроққа тутилиб, таъйиқ остига



сифатида чоп этишга муваффақ бўлди. 1996 йили яна бир муҳим манба — Мирзо Мухаммад Хайдарнинг "Тарихи Рашидий" номли асарини (41 босма табоқ) форс тили-



дан рус тилига таржима қилиб сўзбоши ва илмий изоҳлар билан Р.П.Жалилова ва Л.М.Епифанова билан ҳамкорликда чоп этилди.

Мустақиллик шарофати билан А.Уринбоевнинг илмий фаолияти жажон мамлакатлари томон кенг қўлоч ёйди. Устоз ҳозирги вақтда хориздаги бир қанча илмий марказлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқдалар. Хўжа Аҳрор Валий ва унинг муридларининг мақтублари америкалик тадқиқотчи, Нью Жерси университетининг профессори Жо Анн Гросс билан ҳамкорликда инглиз тилига ўгирилиб Голландиядаги бутун дунёга машҳур Брилл нашриётида чоп этилди, Хива архив ҳужжатлари Японияда, Мирзо Мухаммад Хайдарнинг "Тарихи Рашидий" асари Козогистонда, Шарқшунослик институти хазинасидаги форсий қўлэзмалар каталоги Эронда чоп этилди.

Устоз А.Уринбоев Республикаимизда темиршунослик илмий мактабига асос солган олим десак, ҳеч бир муболага бўлмайди. А.Уринбоев нафақат республикаимизда, балки ўндан ортқ хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро анжуманларда Амир Темур ва Темурийлар даври манбаларига оид илмий маърузалари билан иштирок этган. Устоз А.Уринбоев ёш шарқшунос кадрларни етказишга ҳам алоҳида эътибор беради, унинг раҳбарлигида қўлаб фан номзодлари етиштиб чиққан.

Узининг 75 йиллик таваллуд кунини нишонлаётган устозимизга узок умр, янада иқодий бардовлар тилаймиз. **Дилором ЮСУПОВА, Убайдулла УВАТОВ, Омонилло БЎРИЕВ.**

Алломалар юртиданми

Абу Ҳомид Ҳаззолий

САДАҚАНИНГ ФАЗИЛАТИ «Мукошафат ул-Қулуб» китобидан

Аллоҳ Расули бир замон буюрдиларки: - Бир тилла садақа юз тилла садақадан ўтди!..

Бир киши сўради: — Бу қандай бўлди, эй Аллоҳнинг Расули? Расул буюрдилар: — Бир одамнинг кўп давлати бўлади. Бир четидан минг тилла олиб, уни садақа беради. Бошқа бир одамнинг икки тилласи бўлади, биттасини олиб, садақа беради. — Сендан бир нарса тиллагани қуруқ қайтарма. Тирноқ қадр бўлса ҳам, бирон нарса бер!.. — Аллоҳнинг соясидан бўлак ҳеч қандай соя бўлмайдиган кунда, Аллоҳ етти тоифа кишига ўз соясидан жой беради. Улардан бир тоифаси бирон нарса садақа қилиб буни билдирмаган, ўнг қўлининг берганини чап қўли ҳам билмаган кишилардан иборат.

Пайгамбаримиздан сўрадилар: — Эй Аллоҳнинг Расули, қайси садақада фазилат кўпроқ? Расулulloҳ буюрдиларки: — Камбағалга яширинча берилган садақада, шунингдек, камбағаллашиб қолишдан қўриқиб ишлаш ва топганидан берилган садақада фазилат кўпроқдир.

Сўнгра Аллоҳ Расули шу оятни ўқидилар: — Агар садақаларни ошқора ҳолда берсангиз, жуда яхши. Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз — бу ўзингиз учун янада яхшироқдир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир. 68а.(Бақара сураси, оят: 271).

Аллоҳ Расулунинг сўрадилар: — Қайси садақанинг фазилати улғурок? Буюрдиларки: — Ичида сенга яширинча адоват (душманлик) сақлаётган яқин танишларга берилган садақа!.. Расулulloҳга яна шундай савол бердилар: — Муслмоннинг қайси ҳаракатлари яхшироқ? Буюрдиларки: — Йўқсилларни едиришинг, таниган-танимаган ҳар кишига Аллоҳдан омонлик тилашингдир.

— Йўқсил муслмонларни тўйдириб Аллоҳнинг раҳматини жалб этувчи сабаблардир. — Ким бир муслмон биродарини қорни тўйгунча едирса, қанқоғи қонгунча ичирса, Аллоҳ уни жаҳаннамдан етти хандак нарига узоқлаштиради ва ҳар хандакнинг орасида беш юз йиллик масофа бўлади.

Киёмат кўни бўлганда Аллоҳ буюрадики: — Эй Одам ўғли, мен хасталандим, кўргани келмадинг ҳам!.. Бандаси сўради: — Сени қандай кўргани борай? Сен бутун оламнинг эгасисан!?

Аллоҳ буюради: — Кўрмадингми: фалон бандам хасталанди. Кўргани бормадинг. Кўргани борсанг мен унинг ёнида бўлишимни билмасмидинг!..

Мирозиз АбЗАМ таржимаси.



МўНАЖЖИМЛАР МАБҒУРА

КўЙ (21.03-21.04)

Меҳмондорчиликдан бошингиз чикмай, бунинг оқибатида жуда толиқиб қолишингиз мумкин. Сиздек ҳар нарсани меъёрга амал қиладиган киши учун бу оғир.

СИГИР(22.04-20.05)

Шу кунларда рўзгорнинг майда-чуйда юмушлари билан ҳар қачонгидан кўпроқ банд бўласиз. Бунга қараганки, бу юмушлардан завқланасиз ҳам.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Яқин кишингизнинг бетоблиги билан боғлиқ муаммолар даярлик ҳамма вақтингизни банд қилади. Шу боис бир неча муҳим ишларингиз кечикади.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Касбий фаолиятингиз сизга домғидек завқ бағишлайди. Ютуқларингиз обрўдан ташқари моддий манфаатдорлик ҳам келтиради.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда сизни сафарга қорловчиларнинг сон-саногини йўқ. Ҳеч қимни ҳафа қилмасиз учун яхши-си ўзингиз уларни меҳмонга қорланг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Айни кунларда сиз шунчалик бандсизки, ҳатто шахсий юмушларингиз учун вақт орттирмайсиз. Бундан толиқасиз, асабийлашасиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Яқин кунларда катта харажат қилишингизга тўғри келади. Катта маблағ сарфласангизда, харидингиз ўзингизга ҳам маъқул келиши мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Сиз эса айни кунларда фақат соғлигингиз ҳақида қайғуришингиз, керакли муолажаларни қанда қилмай олишингиз лозим бўлади.

УКОТАР (23.11-21.12)

Шу кунларда кучгайратингиз тўлиб-тошган. Сизни бир кунда шаҳарнинг турли бурчакларига учратиш мумкин. Бундан нафақат бошқалар, ўзингиз ҳам хайратдасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ҳамкасбларингиз билан бирон масала юзасидан тортишиб қолсангиз, ўрни бўлмасида ён бера қолинг. Акс ҳолда, бу катта моҳорига айланиши эҳтимол.

КОВҒА (20.01-18.02)

Ишни пишиқ-пухта баҳаришда сизга етадиган мутахассис кам топилса-да, шу кунларда фаолиятда хушёр бўлмасангиз катта хатога йўл қўйишингиз мумкин.

БАЛИК (19.02-20.03)

Ортиқча шоқлақлик тўғрисида бир ишингиз икки бўлиши мумкин. Шу кунларда ховлиқмай ишласангиз, бундан нафақат фойда кўрасиз.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви Тошкент шаҳар Соғир Раҳимов туманидаги Қизғай оқтепа маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминовга онаси **Ҳақима ая МҮМИНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

АҲДОДЛАР МЕРОСИ — ИФТИХОРИМИЗ МАНБАИ

Маънавият — бу руҳ ва фикр олами. Кўп асрлар илгари яшаб ўтган аждодларимиз ўз Ватанлари, умуман, инсониятнинг раёнаси ва ривожини моддий ва маънавий қадриятлар билан боғлаб, биз — авлодларига мерос қилиб қолдирганлар.

Булар расадхоналар, мақбара-ю масжид, қасро қошна, мадрасалар, ўз замонасининг етук алломаю адиблари ёзиб қолдирган ноёб китоблардир. Бу маънавий хазина бугунги кунда ёш авлодни тарбиялаш ишига хизмат қилмоқда.

Туркистоннинг Муқанна ва Широқ, Тўмарис ва Спитамен, Мангуберди ва Амир Темур каби сиймолари, ўз халқи учун жонини фидо қилган ўғлонлари борки, улар ҳаёти қалбларимиздаги хурлик ва озоликка бўлган эътиқодга куч беради. Мо-зий ҳақида ўйлаганимизда, жажон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган Ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Нақшбанд каби сиймолар ҳам кўз олдимизда гавдаланади ва қалбимизни ифтихор туйғуси билан тўлдирди.

ЎЗБЕКЧИЛИККА КИРМАЙДИ

Сўхбат аро бир одам ҳақида айтган элтирозларини тинлаганда ўриндиқдаги шеригим: — Энди, биродар, майли ёмон бўлса Аллоҳдан жазосини олади, сизнинг у кишини лойдан олиб лойга қоршингиз ўзбекчиликка кирмайди, — дедида автобуснинг пардаси билан қўшни тўсиб қўйди. — Кун ҳам исиб кетди, соя бўлсин.

Мен хижолат тордим. Автобус ичи дим, бунинг устига гала-ғовур эди. Шеригим қўйиндан тўрт букланган қоғоз чиқариб қўлимга тутди. У нусха кўчирилган қоғоз эди. Ҳай бўлмайман: «Сизнинг устингиздан ёзилган шижоат хати ўз тасдиғини топмади. Хат эгасига текширув ақунлари етказилди... терговчи...»

Хатнинг мазмунига тушунган бўлсам ҳам, гап нима ҳақида эканлигига ақлим етмади. Унинг ўзи гап бошлади: — Бу фермер давлатга бир тийин бермай бойиб кетди, деб устимдан ёзишди. Нақ олти ой асабларимни қажшатишди. Сўнг шу бир парча қоғозни беришди, ҳамма шунга ишонди.

— Сизга тўхмат қилган одамни судга бермайсизми, қанча азоб берибди. — Қўйинг-э, бу ўзбекчиликка кирмайди.

Автобуснинг тепадаги дарчасини қия очиб қўйди, енгил шамол ўйнай бошлади. Шу пайт орқадан бир йиғитнинг ўрнеча қўшиб сўкигани ва беҳўш ҳолатда қулгани эшитилди. Ҳамма орқага ўгрилди. Икки оғайни оёқларини йиғиштириб олиб карта ўйнади. Шеригим бошини қайчаб: — Шуям ўзбекчилик бўлди-ю, уят-э. Эҳ, аттанг, ўзбекчиликка кирмайди, бу.

Менинг хаёлимга бир сўз ёзилиб қолди: «Ўзбекчиликка кирмайди». — Биродар, — дедим у томонга ўгрилиб, — ўзбекчиликка нима киради ўзи, кирмайди, кирмайди, дейсиз.

У мен томонга қаради-да қулиб юборди: — Ўзбекчиликка нима киришини билмасангиз, қандай қилиб ўзбекман деб юрибсиз, биродар... Автобус тўхтади. Манзилга етиб келган эдик.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

СКАНВОРД

Word search puzzle grid with various words hidden. Includes a small illustration of a person and a cat. The grid contains letters and some words are already filled in, such as 'Узбек эстр. колдуз', 'Шеърят', 'Сайд', 'Нота', 'Хушбўй модди', 'Сайёра', 'Мия', 'Оралик', 'Мева', 'Қуёш худоси', 'Биринчи', 'Хи...', 'Сайёра', 'Калитнинг эквси', 'Саломат', 'Бир...', 'Мухаббат', 'Бу...', 'Майшўка', 'Зиёрат-гоҳ жой', 'Она (Шола.)', 'Суди чакирғи', 'Сув ичмадаги қон', 'Тоғ гули', 'Яхна ичмадаги қон', 'Дворанлик ун-вони (Англия)', 'Мансаб'.

Тузувчи: Нуриддин ЮНУСОВ



Аждодлар меросини ўрганамиз!

Ватан мағҳи Абдугани СУЛАЙМОН

ЎЗБЕКЧИЛИККА КИРМАЙДИ

Абдугани Сулаймон — дунё кезган, кўп юртларни кўрган инсон. Бунга сабаб — долғали замонларда унинг оиласи олис, бегона юртларга кўчиб кетишга мажбур бўлганидир. Унинг бахти эса бугун ўз юртида яшаётгани. «Қаерга борсам, дастлаб ўша жойни Ўзбекистонга қиёслайман. Барибир менинг юртим баридан гўзал туюлаверади. Қалбим фахрларини туйғуларига тўлиб-тошади», — дейди у.

ДИЛ РОЗИМ

Эркинлик — дунёда энг муқаррам бахт, Ватаннинг хурлиги — бу бебаҳо тахт, Қачонки эрк учун бағри тилинмас, Кимсага озолик қадри билинмас. Қуз келиб, учинса жанубга қушлар, Қайтса баҳор йўлини тўсмайди қучлар, Бу симо тусларнинг бағрида тенгдор, Кўк тоқи, қасанино, шунчалар кенгдир. Ошиққан манзилни бориб кучади, Хурликнинг гаштини суриб учади. Кўриб парвозини фалак қушининг, Қуш бўлгиси келар эрксиз кишининг. Азалдан шикаста, орзуманд эдик, Истиқлолга етиб, бахтиёр бўлдик. Кўтарди озолик тугини элим, Дилбар насимидин яйради диллим. Бахтинг боқий бўлсин, озод Ватаним, Осийш давримга фидо жон-таним, Ўзбекистон, ўзга бўстоним йўқдир, Бағрингда жон берсам, армоним йўқдир.

Mahalla logo and contact information: Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ. Аъзам ГАДОЙБОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Маълуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҚУЛОМОВ.

Тахрир хайъати: Газета тахририят компьютерларида терилди ва сақланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма табоқ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32. Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93. Тел/Факс — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75. Хатлар бўлими: 136-57-62.